

ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЖАЛБ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 11 июль куни инвестициялар жалб қилишни янада кенгайтириш чора-тадбирлари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида мамлакатимизда Президент сайлови юқори савияда ўтгани, бу халқимизни улуғ мақсадлар йўлида янада бирлаштирганини таъкидлади.

Эндиги вазифа белгиланган мақсадларни кечиктирмасдан, аввалгидан-да кўпроқ ғайрат билан амалга оширишдир. Бугун жаҳондаги зиддиятлар, шафқатсиз рақобат даврида бу осон бўлмайди, албатта. Савдо ва инвестициялар, товар ва хизматлар айланишида транспорт-логистика тизими тобора мурakkаблашиб бораётти.

— Мана шундай оғир вазиятда, одамларимизга муносиб шароит яратиш учун юз минглаб юқори даромадли иш ўринлари ташкил этишимиз, дунё бозорига рақобат қила оладиган маҳсулотларни кўпайтиришимиз зарур. Бунинг учун эса янги-янги технологиялар, замонавий ишлаб чиқариш қувватлари, малакали мутахассислар керак, — деди Президент.

Шу боис йиғилишда тармок ва ҳудудлардаги инвестиция кўрсаткичлари, лойиҳаларнинг ижроси ва йил якунигача бўлган устувор вазифалар муҳокама қилинди.

Жорий йилнинг ўтган опти ойда тармокларда 3,6 миллиард долларлик инвестициялар ўзлаштирилган. Андижон шаҳри, Булқобчи, Ромитан, Фаллаорол, Фориш, Кармана, Давлатобод, Қуст, Каттакўрғон, Сидраё туманларининг ҳар бирига 50 миллион дол-



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Экология ва жамоат тартибини сақлаш соҳаларидаги қонунчилик тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 27 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 1 июнда маъқулланган

Ҳозирги вақтда атроф-муҳитнинг муҳофаза қилинишини ва жамоат тартибини таъминлаш бўйича аниқ мақсадга қаратилган ишлар олиб боришмоқда.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ҳамда бундай ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жазо чораларини қўллаш ваколатига эга бўлган органлар жумласига экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилувчи органлар, давлат санитария назорати органлари, давлат ўрмон хўжалиги органлари ва бошқа органлар кирди.

Шу билан бирга, кўрсатиб ўтилган давлат органларининг ходимлари сони чекланганлиги, шунингдек ички ишлар органлари ходимларида, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий хизматчиларида (ҳодимларида) зарур ваколатлар мавжуд эмаслиги ҳуқуқбузарларга нисбатан ўз вақтида чоралар кўрилишига тўсқинлик қилмоқда.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жаовбарлик тўғрисидаги кодексига, «Ички ишлар органлари тўғрисида»-ги ва «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳуқуқбузарликлар содир этган айбдор шахсларни маъмурий жаовбарликка тортиш учун ички ишлар органларига ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларига зарур ваколатлар берилишини назарда тутувчи ўзгартишлар киритилмоқда.

Бундан ташқари, ички ишлар органларининг патруль-пост хизматига ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш, жамоат ҳойларида алкоғоль маҳсулотини истеъмол қилиш каби жамоат тартибини сақлаш соҳасига оид маъмурий ҳуқуқбузарликларни расмийлаштириш ваколати берилмоқда.

Ушбу Қонун экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликнинг ижро этилишини таъминлашга, жамоат тартибини таъминлашга, шунингдек ушбу соҳалардаги ҳуқуқбузарликларнинг самарали профилактикасига хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда).



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ НОМИГА ҚУТЛОВЛАР КЕЛМОҚДА

Хорижий мамлакатлар етакчилари, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли давлат ва жамоат арбобларидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига унинг давлат раҳбари лавозимига қайта сайлангани муносабати билан қутловлар келмоқда. Уларда Ўзбекистон Президентига янги зафарлар, халқимизга тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тилаклари билдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ҳурматли Шавкат Мирмонович!

Қозғистон халқи номидан ва шахсан ўз номидан Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайланганингиз билан дилдан қутлайман.

Сайловдаги ишончли ғалабангиз давлат раҳбари лавозимида фидокорона фаолиятингиз, Ватанга ва халқ манфаатларига садоқат билан хизмат қилаётганингиз натижасидир.

Овоз бериш якунлари қудратли ва тараққий топган давлатни барпо этиш, миллий ҳамжихатлиқни ва мамлакатнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлашга қаратилган стратегик сиёсатингиз халқнинг юксак ишончини қозонгани ва кенг қўллаб-қувватланаётганининг яққол ифодасидир.

Қўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро кўмак тамойилларига амал қилган ҳолда Ўзбекистон билан Қозғистон ўртасидаги муносабатларни ҳақиқий стратегик шериклик ва иттифоқчилик руҳида янада кенгайтиришга интилишим қатъий эканини тасдиқлайман.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан давлатлараро ҳамкорлигимизни бутун Марказий Осиёнинг барқарорлиги, хавфсизлиги ва изчил тараққиёти йўлида сифат жиҳатдан янги даражага олиб чиқишимизга ишонаман.

Фуратдан фойдаланиб, Сизни давлат ташрифи билан Қозғистонга келишга таклиф этаман.

Хурматли Шавкат Мирмонович, Сизга Ўзбекистон фаровонлиги ва равнақи йўлидаги масъулиятли фаолиятингизда кўзлаган барча режаларингиз муваффақиятли амалга ошишини тилайман.

Хурмат билан,

Қосим-Жомарт ТОҚАЕВ,
Қозғистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ҳурматли Шавкат Мирмонович!

Сизни Президент сайловидаги ишончли ғалабангиз билан муборакбод этаман.

Президент сайлови натижалари обрўйингиз ва Ўзбекистон халқининг Сизга бўлган ишончи баландлигидан, республикада барқарор иқтисодий-иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган прагматик ва узоқни кўзлаган сиёсатингизни қўллаб-қувватлашдан далолатдир.

Ишончим комил, Сизнинг бошчилигингизда амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда мамлакатни янада ривожлантириш ва равнақини таъминлаш бўйича янги ғоя ва тамойилларнинг рўёбга чиқиши Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси билан кенг қамровли шериклиқни ривожлантириш, ишончга асосланган яхши қўшничилик муносабатларини ўзаро ҳурмат ва кўмак тамойиллари асосида мустаҳкамлаш Қирғиз Республикаси ташқи сиёсатининг бош устувор йўналишларидан биридир.

Қирғизистон — Ўзбекистон муносабатларида икки томонлама ҳамкорлиқнинг деярли барча йўналишлари бўйича мисли кўрилмаган ижобий ўзгаришлар рўй берди, муҳим қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича аниқ келишувларга эришилди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқдасиз ва шу муносабат билан биргаликдаги саъй-ҳаракатлар орқали бундан буён ҳам кўп қиррали ҳамкорлигимизни ривожлантириш, қардош халқларимиз фаровонлиги йўлида қўйилган вазифаларни амалга ошириш ва барча келишувларимизни илгари суришга қатъий интилишимни тасдиқлайман.

Сизга, хурматли Шавкат Мирмонович, мустаҳкам соғлиқ ва мўлжалланган барча мақсадларни амалга оширишда янги муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик-осойишталик ва равнақ тилайман.

Чўқур ҳурмат билан,

Садир ЖАПАРОВ,
Қирғиз Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ҳурматли Шавкат Мирмонович!

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги ишончли ғалабангиз муносабати билан самимий қутловимни қабул қилгайсиз.

Ушбу муҳим сиёсий тадбир натижалари Сизнинг юксак обрўйингиз, Ўзбекистон халқи мамлакатни изчил ижтимоий-иқтисодий модернизация қилиш ва унинг халқаро майдондаги ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган стратегик сиёсатингизга ишониши ва уни қатъий қўллаб-қувватлашини яққол кўрсатди.

Тожикистон — Ўзбекистон дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини жадал ривожлантиришга салмоқли ҳиссангизни қайд этиб, уларни ҳар томонлама кенгайтириш ва янги мазмун билан бойитишдан чин дилдан манфаатдор эканимизни билдираман.

Сиз билан бундан буён ҳам мамлакатимизнинг стратегик шериклиги ва иттифоқчилигини халқларимизнинг тўб манфаатларига мувофиқ ҳолда самарали илгари суришга биргаликда ҳаракат қилишимизга ишонаман.

Сизга, қадрли Шавкат Мирмонович, мустаҳкам соғлиқ, янги зафарлар, дўст Ўзбекистоннинг огишмай ривожланиши йўлида ўйлаган барча режаларингиз муваффақиятли амалга ошишини, биродар ўзбек халқига эса абадий тинчлик, фаровонлик ва равнақ тилаб қоламан.

Хурмат билан,

Эмомали РАҲМОН,
Тожикистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ҳурматли Шавкат Мирмонович!

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги ишончли ғалабангиз ва ушбу лавозимга қайта сайланганингиз билан самимий қутлайман!

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Сизнинг раҳбарлигингизда жадал тараққиёт йўлидан дадил бормоқда, жамият ҳаётининг барча жаҳалларида улкан ютуқларга эришмоқда ва жаҳондаги нуфузини изчил мустаҳкамламоқда.

Бугун Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги муносабатлар юксак даражада. Турли йўналишларда, шу жумладан, сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда мустаҳкам икки томонлама ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ўзбекистон — Туркманистон муносабатлари бундан буён ҳам янги суръат билан ривожланиб боришга аминман.

Ушбу ёқимли имкониятдан фойдаланиб, хурматли Шавкат Мирмонович, Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик-осойишталик, тараққиёт ва бардавом равнақ тилайман.

Чўқур ҳурмат ва юксак эҳтиром ила,

Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ,
Туркман халқининг Миллий етакчиси,
Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ҳурматли Шавкат Мирмонович!

Туркменистон халқи ва Ҳукумати номидан ҳамда шахсан ўз номидан Ўзбекистон Республикасида ўтган Президент сайловида қозонган ғалабангиз билан энг самимий табрикларимни йўлламоқдаман.

Овоз бериш якунлари Сизнинг юрт фаровонлигини юксаттиришга қаратилган сиёсатингиз қўллаб-қувватланаётганини яна бир бор тасдиқлади.

Туркменистон Ўзбекистон билан давр синовидан ўтган мустаҳкам дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарига асосланган

икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлашга муҳим аҳамият қаратмоқда.

Сиз билан биргаликда самарали ишлашга тайёрлигимни ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни сифат жиҳатдан янги босқинга олиб чиқиш ниятида эканимни билдираман.

Ушбу ёқимли имкониятдан фойдаланиб, Сизга, хурматли Шавкат Мирмонович, мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, давлат раҳбари лавозимидаги масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик-осойишталик ва равнақ тилайман.

Чўқур ҳурмат билан,

Сердар БЕРДИМУҲАМЕДОВ,
Туркменистон Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайланганингиз муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзимнинг энг самимий тилакларим ва эзгу истакларимни йўллашдан бағоят мамнунман.

Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, дўст Ўзбекистон ҳукумати ва халқига эса янада тараққиёт ва равнақ тилаб қоламан.

Сизга бўлган самимий эҳтиромларимни қабул қилгайсиз.

Шайх Муҳаммад бин Зайд ОЛ НАҲАЁН,
Бирлашган Араб Амирликлари Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ҳурматли Президент жаноблари!

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз билан муборакбод этишга ижозат бергайсиз. Сайлов натижалари Ўзбекистон халқи сиёсатингизни тўлиқ қўллаб-қувватлашини кўрсатганига қатъий ишонаман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатлар янги босқинга кўтарилганини қадрайман. Биз Венгрия ва Ўзбекистон Республикаси манфаатлари йўлида бошлаган ишларни давом эттириш имкониятидан мамнунман, зеро, ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни қўллаб бошқа йўналишларда ҳам ривожлантиришга қодирмиз. Ишончим комил, иқтисодиёт, тижорат, маданият ва таълим соҳаларидаги шериклигимиз янги имкониятлар очиб беради.

Сизни ишонтириб айтаманки, икки томонлама алоқаларимизга хизмат қиладиган ва Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги ҳамкорлигимизни мустаҳкамлайдиган ташаббус доирасидаги барча масалаларда менинг ҳукуматим Сиз билан қароқат қилишга доимо тайёр. 2023 йил октябрь ойда бўлажак саммитни ҳамда август ойда шахсан учрашишимизни интизорлик билан кутаман.

Масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар ва мустаҳкам соғлиқ тилайман.

Хурмат билан,

Виктор ОРБАН,
Венгрия Бош вазири

Шунингдек, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири шайх **Муҳаммад бин Рошид ОЛ МАКТУМ**,

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири ўринбосари, Президент ишлари бўйича вазири шайх **Мансур бин Зайд ОЛ НАҲАЁН**,

Покистон Ислом Республикаси Бош вазири **Шаҳбоз ШАРИФ**, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги бош котиби **Сергей ЛЕБЕДЕВ**,

Жаҳон туризм ташкилоти бош котиби **Зураб ПОЛОЛКАШВИЛИ**.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

Ў.З.А.

Марказий сайлов комиссиясида

САЙЛОВ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА БАЁННОМА ТУЗИЛДИ

Марказий сайлов комиссиясида мuddатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови якунлари-га бағишланган мажлис ўтказилди. Унда жорий йил 9 июль куни бўлиб ўтган сайлов натижалари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, ушбу сиёсий жараёнда сайловчилар рўйхатиға қиритилган фуқароларнинг 15,6 миллион нафардан зиёди ёки 79,88 фоизи хоҳиш-иродасини эркин ифода этиб, ўзи муносиб деб билган номзодаға овоз берди.

Мажлисда Президент сайлови якунлари бўйича баённома тузилди ҳамда сайлов натижаларини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Жумладан, сайловда овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг 87,05 фоиз овози билан Шавкат Мирмонович Мирзиёев Ўзбекистон Республикaси Президенти лавозимига сайланганлиги тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик

партиясидан номзод Робохон Анваровна Маҳмудоваға сайлов-чиларнинг 4,43 фоизи, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан ном-зод Улуғбек Илёсович Иноятовға 4,02 фоизи ва Ўзбекистон Эколо-гик партиясидан номзод Абдушукур Худойқулович Ҳамзаеваға 3,74 фоизи ёқлаб овоз берганлиги баённомада акс этти-рилди.

Бундан ташқари, мажлисда мuddатидан илгари Ўзбекистон Рес-публикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтка-зиш даврида Марказий сайлов ко-миссиясига келиб тушган муро-жаатлар тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Экология ва жамоат тартибини сақлаш соҳаларидаги қонунчилик тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 216-модда, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **248-модда:**
биринчи қисмидаги «47³, 54, 56¹-моддаларида» деган сўзлар «47³, 54, 56¹, 63-моддаларида, 72-моддасининг биринчи ва тўртинчи қисмларида (сувларни ифлослантириш ёки булғатиш, сувтўллагич иншоотларда сувни муҳофаза қилиш режимини бузиш, сув объектлариغا оқова сувларни оқизишга йўл қўйиш шартлари тўғрисидаги талабларни

бузишга оид қисмида, бундан ер ости сувларига доир ҳуқуқбузарликлар мустасно), 79-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида, 88-моддасида (бундан битум эритиш чоғида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя этмаслик мустасно), 90-моддасининг биринчи қисмида, 91-моддасида (саноат чиқиндиларини, маиший чиқиндиларни ва бошқа чиқиндиларни тўплаш, ташиш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузишга оид қисмида), 91¹-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 91²-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг 1-бандидаги «56¹-моддасида» деган сўзлар «56¹, 63-моддаларида, 72-моддасининг биринчи ва тўртинчи қисмларида (сувларни ифлослантириш ёки булғатиш, сувтўллагич иншоотларда сувни муҳофаза қилиш режимини бузиш, сув объектлариغا оқова сувларни оқизишга йўл қўйиш шартлари тўғрисидаги талабларни бузишга оид қисмида, бундан ер ости сувларига доир ҳуқуқбузарликлар мустасно), 79-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида, 88-моддасида (бундан битум эритиш чоғида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя этмаслик мустасно), 90-моддасининг биринчи қисмида, 91-моддасида (саноат чиқиндиларини, маиший чиқиндиларни ва бошқа чиқиндиларни тўплаш, ташиш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузишга оид қисмида), 91¹-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 91²-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи ва бешинчи қисмлари куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ички ишлар органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузишга ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган мансабдор шахслардан ташқари куйидагилар ҳақли:

ушбу Кодекснинг 54, 56¹-моддаларида, 91¹-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 110-моддасининг биринчи қисмида (фуқароларга нисбатан), 111-моддасининг биринчи қисмида, 122, 128⁶-моддаларида, 187-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, ички ишлар органлари патруль-пост хизмати бўлинмаларининг мансабдор шахслари;

ушбу Кодекснинг 47⁶, 63-моддаларида, 72-моддасида (бундан ер ости сувларига доир қисми мустасно), 79-моддасида, 88-моддасида (бундан битум эритиш чоғида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя этмаслик мустасно), 90, 90¹-моддаларида, 91-моддасида (саноат чиқиндиларини, маиший чиқиндиларини ва бошқа чиқиндиларни тўплаш, ташиш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузишга оид қисмида), 91¹, 91²-моддаларида ва 101-моддасида (бундан Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясига тааллуқли ишлар мустасно) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика катта инспекторлари ва инспекторлари.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича тузилган баённома маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органга (мансабдор шахсга) ушбу Кодекснинг 282-моддасида белгиланган тартибда юборилиши;

2) **248¹-модданинг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларига

ушбу Кодекснинг 63-моддасида, 72-моддасининг биринчи ва тўртинчи қисмларида (сувларни ифлослантириш ёки булғатиш, сувтўллагич иншоотларида сувни муҳофаза қилиш режимини бузиш, сув объектлариغا оқова сувларни оқизишга йўл қўйиш шартлари тўғрисидаги талабларни бузишга оид қисмида, бундан ер ости сувларига доир ҳуқуқбузарликлар мустасно), 79-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида, 88-моддасида (бундан битум эритиш чоғида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя этмаслик мустасно), 90-моддасининг биринчи қисмида, 91-моддасида (саноат чиқиндиларини, маиший чиқиндиларни ва бошқа чиқиндиларни тўплаш, ташиш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузишга оид қисмида), 91¹-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 91², 161-моддаларида, 187-моддасининг биринчи қисмида, 188, 188² ва 192-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ҳамда жарима тариқасидаги маъмурий жазо чораларини қўллашга қуйидагилар ҳақли:

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Жамоат тартибини сақлашни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи, унинг ўринбосари ва бўлим бошлиқлари;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Суриштирувни мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи ва унинг ўринбосари;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари ҳамда суриштирув бўлимларининг бошлиқлари;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Қўриқлаш бош бошқармаси бошлиғи ва унинг ўринбосарлари;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг Давлат органлари объектларини қўриқлаш бўйича бошқармаси бошлиғи ва унинг ўринбосарлари;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қўриқлаш бошқармалари, туман (шаҳар) қўриқлаш бўлимлари бошлиқлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларининг мансабдор шахслари ушбу Кодекснинг 61-моддасида, 79-моддасининг иккинчи қисмида, 90-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида, 90¹-моддасида, 91¹-моддасининг тўртинчи қисмида, 183, 184², 184³, 185-моддаларида, 185¹-моддасида (бундан божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар мустасно), 185¹, 185³, 186-моддаларида, 187-моддасининг иккинчи қисмида, 188¹, 188³, 189, 189¹, 191, 194¹, 195¹-моддаларида, 196-моддасида (Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларига тааллуқли қисмида) ва 210¹-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаган тақдирда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади ҳамда ушбу Кодекснинг 282-моддасида белгиланган тартибда уни маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишга ваколатли бўлган органга (мансабдор шахсга) кўриб чиқиш учун юборадиган;

3) **284-модданинг учинчи қисми** «шунингдек ички ишлар органлари ходимлари» деган сўзлардан кейин «ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг ҳарбий хизматчилари (ходимлари)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

Инсон энг олий қадрият бўлган янги ўзбекистон даврини очишга қодир ислоҳотчи

◀1 Овоз бериш натижалари-га қўра, Ўзбекистон Тад-биркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан номзод Шавкат Мирзиёев сайловчилар-нинг 87,05 фоиз овозини олгани холда 7 йил муддатга Ўзбекис-тон Республикаси Президенти этиб сайланди”.

Мамлакатимиздаги сайлов жа-раёнлари Европа оммавий ахбо-рот воситаларида ҳам кенг ёритилди. Масалан, 10 июль куни Франциянинг нуфузли “L’Obs” ва “Le Monde” газеталарида мамлакат етакчиси лавозими учун бўлиб ўтган сайлов аяқларни бўйича Шавкат Мирзиёев Ўзе-бекистон Президенти этиб сайлан-ганига оид хабар-мақолалар чоп этилди.

Франция оммавий ахборот воситаларида ёзишларича, Президент Шавкат Мирзиёев 30 апрелдаги конституциявий ре-ферендумдан кейин ўтказилган мuddатидан аввалги Президент сайловида катта натижа билан Президент этиб қайта сайланди.

“Шавкат Мирзиёев ислохотчи сифатида ўзини намоян қилди”, деб ёзади “L’Obs” наشري мухби-ри. “У ўз олдига ялли ички маъ-сулотни икки баравар ошириш асносида 160 миллиард доллар-га етакзишни максад қилиб қўйди ва демографик ўсиши юкори бўлган ва ёшлар қўпчиликини таш-ул қиладиган ушбу мамлакатда талабалар учун қўпроқ ўрин яратилишига ишонтирди”.

Газетада ёзилганидек, Ўзбекис-тон раҳбари бундан ташқари, ярми қишлоқ жойларда истикмом қилувчи барча ўзбекистонликлар-ни бепул интернет ва ичимлик суви билан таъминлаш ниятида. Венгрияда чоп этиладиган “Magyar Nemzet” газетасида

Ўзбекистонда давлат раҳбарини сайлаш учун очикъ ва демократик сайлов ўтказишда яратилган ша-роитларга алоҳида эътибор қаратилган. Мақола муаллифи-нинг таъкидлашича, мамлакат расмийлари бутун дунёдан, жум-ладан, Венгриядан кўплаб куза-товчиларни тақлиф қилиш орқали овоз берилишининг шаффофли-гини таъминлади. Маълум қили-нишича, жами 797 нафар хори-жий кузатувчилар делегацияси мамлакатга ташриф буюрди, маҳаллий кузатувчилар сони эса 53 мингдан ошди.

Австриянинг “Die Presse”, “Salzburger Nachrichten” ва “ORF” нашрлари мухбирлари ёзганларидек, Президент Шавкат Мирзиёев яқшанба куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Президенти сайловида ғалаба қозониб, яна уч номзодни кўпчилик овоз би-дан мағлуб этган. Мақолаларда қайд этилишича, жорий йилнинг 1 майдан қучга кирган Ўзбекис-тоннинг янгиланган Конститу-циясида демократияни кенгайти-риш ва бошқарувни янада мар-казсизлаштириш бўйича қатор чора-тадбирлар, жумладан, Президентлик ваколатини 7 йилга узайтириш, шу муносабат билан мuddатидан олдин Президент сай-лови ўтказилиши кўзда тутилган.

“Шавкат Мирзиёев очиклик сиёсатини бошлади, Президент Халқ қабулхоналарини барпо этди, у аҳолидан тақлиф ва шикоятлар-ни тўплайди, сўнгра эса чора кўради”, деб ёзади Австрия нашрлари мухбирлари ўз мақола-ларида.

Испан тилидаги халқаро ахборот агентлигининг “EFE” онлайн-наширда ёзишларича, Ўзбекистонда Президент сайлови қонунбузи-лишларсиз ўтказилгани холда ма-

ҳаллий вақт билан соат 11.00 да сайлов бўлиб ўтди, деб тан олин-ган.

“Маҳаллий вақт билан соат 11.00 ҳолати бўйича (06:00 GMT) 6,5 миллион киши ёки рўйхатдаги сайловчиларнинг 33,54 фоизи овоз берди”, дея нашрда МСК раисининг ўринбосари Баҳром Кўчоров сўзларидан иктибос келтирилади. Сайлов бўлиб ўтган, деб ҳисобланадиган чегара — 33 фоиз. Хабар қилинганидек, “2016 йилда ҳокимиятга келган Президент Шавкат Мирзиёев 2021 йилда қайта сайланиб, 80,1 фоиз овоз тўплаган”. Муд-датидан илгари Президент сай-лови жорий йил май ойида, яъни 30 апрель куни амалга оширил-ган конституциявий ислохотдан сўнг белгиланди. Унга биноан, Конституциянинг учдан икки қисмига ўзгартиришлар киритил-ди, хусусан, Президентнинг ваколат мuddати икки мuddатли чеклов билан беш йилдан етти йилгача оширилди.

Ўзбекистон учун ушбу муҳим сиёсий воқеа Шарқ мамлакатла-ри ва Африка қитъаси оммавий ахборот воситаларида ҳам ўзи-нинг катта акс садосини берди. “Swift News” (Саудия Ара-бистони), Ислон ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) ҳузурда-ги Ахборот агентликлари иттифоки (UNA), “Fars News”, “Mehr News”, “Shafaqna”, “ISNA”, “Dolatbaha” ахбо-рот агентликлари (Эрон), ну-фузли “Ал-Ахрам” газетаси, “Дар ал-Маърифат”, “MENA”, “Al-Youm al-Sabi”, “Maspero”, “Misir al-Youm”, “Rosa al Youssef”, “Asia Press”, “Mиср аль-Балад” ахборот агентликлари (Миср), “k a z a k h a r a b w o r l d”, “ajlounnews”, “alwatanarab”,

4) **287-модданинг:**
1-бандидаги «70¹, 90, 90¹, 91, 92, 94» рақамлари «63, 70¹, 72, 79, 88, 90, 90¹, 91, 91¹, 91², 92, 94, 110, 111» рақамлари билан алмаштирилсин;
9-банди «61» рақамидан кейин «63, 72, 79, 88, 90, 90¹, 91, 91¹, 91²» рақамлари билан тўлдирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги ўРҚ–407-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 272-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 9, 588, 591-моддалар, № 10, 674-модда, № 12, 891-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 5, 466-модда, № 6, 570-модда) **16-моддаси биринчи қисмининг эллийинчи хатбоҳиси** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«карантин, санитария-эпидемиология тадбирларини, экологияга ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир тадбирларни ўтказишда иштирок этиши ҳамда мазкур соҳадаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўйича чоралар кўриши».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида»ги ўРҚ–647-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 11, 653-модда; 2022 йил, № 5, 464-модда, № 6, 570-модда) **27-моддаси биринчи қисмининг тўққизинчи хатбоҳиси** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириши, уларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаши ҳамда уларни бартараф этиш бўйича чоралар кўриши, шунингдек экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўйича чоралар кўриши».

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси ва бошқа маънафадтор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ихро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтган қучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2023 йил 11 июль № ўРҚ—854	
	
Ўринларни яратишга интилаётга-нига эътибор қаратган. “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳам Шавкат Мирзиёев сай-лов дастурининг устувор йўналиш-ларидан бирига айланди. Урмон-лар майдонини 1,6 миллион гек-тардан 2,3 миллион гектаргача ошириш режаси ишлаб чиқилган, шунингдек, қонун устуворлигини ва давлат бошқарувини ташкил этишни таъминлаш бўйича ҳам ишлар назарда тутилган”, деб ёзилади “Дар ал-Маърифат” ах-борот агентлиғи хабарига.	
Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови Хитойнинг “Синьхуа” ахборот агентли-ги, “China Daily”, “Global Times” номли газеталари, “Китай” журнали, машхур “Гуанъча” портали, “CCTV”, “CGTN” марказий телеканал-лари ва бошқа асосий оммавий ахборот воситаларининг ҳам диқ-қат марказида бўлди. Хусусан, нуфузли “Global Times” наشري мухбири Хитой Ижтимоий фанлар академиясининг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти директори Сун Чунъаннинг фикрларига таанган холда Шавкат Мирзиёевга “Инсон энг олий қадрият” бўлган янги Ўзбекистон даврини очишга қодир ислохотчи, миллат етакчиси ма-қомида мамлакатни янада тарақ-қиёт ва модернизация сари етак-лаётган раҳбар дея таъриф бе-ради.	
Умуман олганда, бугун ишонч билан айтиш мумкинки, жадал ри-вожланаётган Ўзбекистондаги маз-кур тарихий сайловнинг натижала-ри шу кунларда деярли бутун жа-хон медиа маконининг диққат мар-казида тургани холда аксарият ах-борот тизимлари томонидан турли хорижий тилларда кенг ёритилди.	
«Дунё» АА.	

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев “Ҳиндистон — Жанубий Корея” дўстлик жамияти раиси, Ҳиндистоннинг Ўзбекистон Республикасидаги собиқ элчиси, “Вивекананда халқаро фонди” тадқиқот маркази эксперти Сканд Таял билан учрашди.

Мулоқот

Унда кўп томонлама алоқалар, хусусан, савдо ва иқтисодий, инвестиция, парламентлараро алоқалар, таълим, маданият, тиббиёт ва шу каби бошқа соҳалардаги ҳамкорликка эътибор қаратилди. Шунингдек, бўлиб ўтган Президент сайлови жараёнлари юзасидан фикр алмашилди.

Халқаро кузатувчи сайлов участкаларида фуқаролар эркин овоз беришлари учун барча шарт-шароит яратилганини, жараёнлар очик ва шаффоф тарзда ўтказилганини таъкидлади. Айниқса, фуқароларнинг ўз конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланишга бўлган фаоллигини юксак баҳолади.

Бундан ташқари, Сканд Таял республикада олиб борилаётган изчил ислоҳот ва янгилинишлар, уларнинг ҳуқуқий асослари янги таҳрирдаги Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилганига ҳам эътибор қаратди.

Томонлар мулоқот давомида яна бошқа қатор масалалар юзасидан ҳам фикр алмашди.

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбо-

сари Содиқ Сафоев Хитой Ижтимоий фанлар академиясининг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти директори Сун Чуанжи билан учрашув ўтказди.

Унда икки мамлакат алоқалари, хусусан, парламентлараро ҳамкорлик, таълим, савдо-иқтисодий, хавфсизлик, маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Шу билан бирга, 9 июль кунги республикада бўлиб ўтган Президент сайлови хусусида сўз борди.

Ўз навбатида, Сун Чуанжи сайлов демократик таъминоти, халқаро ҳуқуқий-норматив талаблар доирасида очик ва шаффоф ўтганини таъкидлади.

Шунингдек, халқаро кузатувчи сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар хусусида маълумот берилди.

Томонлар мулоқот чоғида яна бир қатор муҳим масалалар юзасидан муҳокама олиб борди.

«Халқ сўзи».

АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШНИНГ ҚУЛАЙ МЕХАНИЗМЛАРИ ЖОРИЙ ҚИЛИНАДИ

Президентимизнинг “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони билан давлат томонидан аҳолини манзилли ҳимоя қилишнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди.

Фикр

Хусусан, комплекс ёндашув асосида профессионал ижтимоий ҳимоя тизимини жорий этиш, унинг самарадорлиги ва манзиллилигини ошириш орқали аҳолининг кўмакка муҳтож қатлами ижтимоийлашувини таъминлаш, ижтимоий ҳимояни маҳалла даражасигача ташкил қилиш, оғир ҳаётий аҳволга тушиб қолган аҳолига индивидуал ёндашувга мувофиқ ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатишни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилади.

Аҳолига индивидуал ёндашув асосида ижтимоий кўмак кўрсатишда, шубҳасиз, сўнгги йилларда яратилган “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари”, “темир дафтар”ларнинг ўрни беқўёс. Ўз навбатида, маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчилари фаолияти эса ижтимоий ҳимояни кўчи даражада ташкил этиш имконини беради.

Шу билан бирга, Фармонда аҳолининг ижтимоий сугурта механизмлари билан қамраб олинishiни кенгайтириш, хавф гуруҳларига тушиб қолган оилаларни аниқлаш ва комплекс ижтимоий хизматлар кўрсатиш орқали уларнинг оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолишининг олдини олиш ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт кечирishi учун қўлай муҳит яратишга ҳам алоҳида аҳамият берилган.

Эндilikда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини мувофиқлаштириб бориш мақсадида Ўзбекис-

тон Республикаси Президенти ҳузурда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳамда туман (шаҳар)ларда “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ташкил этилмоқда.

Ушбу марказлар ҳар бир хонадон аҳолини ўрганиб, оилалардаги ҳаққий ҳолатни ҳамда уларнинг ижтимоий хизматлар ва ёрдамга бўлган эҳтиёжини аниқлаш, оилаларнинг ижтимоий паспортларини шакллантириш ишларини амалга оширади.

Шунингдек, эҳтиёжманд аҳоли билан, жумладан, кейс-менеджмент усулини қўллаган ҳолда самарали иш ташкил этиш, улардан ижтимоий хизматлар ва ёрдам олиш бўйича буюртмалар қабул қилиш, заруратга қараб буюртмаларни масъул вазирлик ва идораларга юбориш, оғир аҳволга тушиб қолган ва ана шундай хавф юқори бўлган оилалар билан мунтазам равишда мониторингдан ўтказиб бориш, улар учун ижтимоий хизмат ва ёрдамларни уюштириш ҳам марказнинг асосий вазифаларидан бири саналади.

Умуман олганда, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимининг жорий этилиши фуқароларимизга зарурий кўмакни ўз вақтида кўрсатиш орқали Давлат бюджетни ортқича сарфлашининг олдини олишга ҳамда кўпроқ аҳолига манзилли ёрдам бериш имкониятини кенгайтиришга хизмат қилади.

Музоффар АБДИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Халқаро кузатувчилар: САЙЛОВ ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАРГА МОС ТАРЗДА ЎТКАЗИЛДИ

Мамлакатимизда жорий йил 9 июль кунги бўлиб ўтган муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови халқаро мезонлар ва стандартлар асосида миллий сайлов қонунчилигимизда белгиланган ҳамда умумэътироф этилган демократик принципларга тўла мос ҳолда ўтказилди.

Буни ушбу муҳим сиёсий жараёни кузатиш мақсадида мамлакатимизга келган халқаро кузатувчилар ҳам таъкидламоқда.

Чжан Мин,
Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бош котиби:



— Кузатувчилик фаолиятимиз бир неча кун олдин бошланди. Биз эрталаб сайлов участкаларининг очилишида иштирок этдик. Барчаси қонунчилик талабларига мувофиқ амалга оширилди.

Миссиямиз 6 гуруҳга бўлинган ҳолда бир неча ўнлаб сайлов участкаларида овоз бериш жараёнини кузатдик. Шахсан ўзим сайлов участкаларига ота-оналар ўзлари билан ҳали сайлов ёшига етмаган фарзандларини олиб келганидан хурсанд бўлдим. Чунки болаларнинг сайлов участкасига келиб, овоз бериш тартибидан, сайлов жараёнларидан хабардор бўлишга интилишлари қувонарли ҳолат.

Сайловчиларнинг ушбу муҳим сиёсий тадбирда фаол иштироки Марказий сайлов комиссиясининг сайлов жараёнлари тўғрисида аҳолини хабардор қилишда кенг миқёсда ишлар олиб борганлигидан далолат беради.

Хишам Махмуд Юсуф Кухаил,
Араб сайлов органлари ассоциацияси ижро аппарати раҳбари:
— Ўзбекистонга келишимиз билан бу ўлка нақадар меҳмондўст эканлигига гувоҳ

Акс садо

бўлди. Биз 15 дан ортиқ сайлов участкаларига бордик. Участкаларда сайлов тинчлик-осойишталик билан ўтди.

Сайловчилар бу ерга юзларида табассум билан кириб келишди. Мамлакатингизда улар учун яратилган имкониятлар мени ҳайратга солди. Марказий сайлов комиссияси овоз беришни профессионал тарзда ташкиллаштиргани, участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ўз ишига масъулият билан ёндашгани таҳсинга сазовор.

Биз Марказий сайлов комиссияси билан ҳамкорликни кенгайтиришга қарор қилдик. Чунки Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси сайлов жараёнларининг ўзи ҳам кўрсатиб турибди. Демократик сайлов юқори савияда ўтгани билан барчангизни табриклаймиз.

сининг сайлов соҳасидаги бой тажрибасини жараёнларнинг ўзи ҳам кўрсатиб турибди. Демократик сайлов юқори савияда ўтгани билан барчангизни табриклаймиз.

Ван Кайвен,
Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги элчиси:

— Биз 7 та сайлов участкасида бўлдик. Сайловчилар билан, сайлов комиссияси аъзолари билан суҳбатлашдик.

Ишонч билан айта оламаники, ушбу сайлов жараёнларига Марказий сайлов комиссияси юқори даражада тайёргарлик кўрган. Қисқа муддат ичида ушбу йирик сиёсий тадбирга тайёргарлик кўриш учун қаттиқ меҳнат қилинганлиги кўриниб турибди. Сайловчиларнинг кайфияти юқори дара-



жада. Улар жуда ҳам фаол бўлишди. Айниқса, ёшларнинг сайлов участкаларида фаол эканликларига гувоҳ бўлдик.

Николай Булаев,
Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари:

— Ўзбекистонда ўтказилган бир неча сайлов кампанияларини кузатиб борганмиз. Бу сафар ҳам фуқароларнинг сайловдаги иштироки юқори эканлигини таъкидламоқчиман. Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини халқаро стандартларга кўра юқори савияда амалга оширди.

Сайловчилар учун эркин овоз бериш имконияти яратилган. Ногиронлиги бор шахсларга ҳам биз ташриф буюрган участкаларда барча имконият мавжуд эди. Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати эса сайлов жараёнларининг янада шаффоф ва адолатли ўтишига ёрдам берди.

Марказий сайлов комиссияси барча даражадаги комиссия аъзоларини сифатли тарзда ўқитгани учрашувларимизда аён бўлди. Улар сайлов қонунчилиги талабларидан хабардор ва ўз ишига масъулият билан ёндашишди. Буларнинг барчаси сайловнинг муваффақиятини таъминлаб берди.

«Халқ сўзи».

РЕГИСТОН ВА ШОҲИ ЗИНДА ДУНЁДА ЯНА БИР БОР ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Регистон ансамбли ва Шоҳи Зинда мажмуаси “Туристик диққатга сазовор объектлар бутунжаҳон рўйхати”га киририлгани қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрининг дунёдаги нуфузини янада оширишга хизмат қилади.

Фахр



Самарқанд шаҳридаги Улугбек мадрасасида ўтказилган сертификатларни топширишга бағишланган тантанали маросимда Евроосиё иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бош котиби Владимир Пискурев, Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари Рустам

Қобиллов ва бошқалар қатнашиб, йиғилганларга мазкур рўйхат ҳамда унинг аҳамияти ҳақида қисқача маълумот беришди.

Кайд этилганидек, 2017 йил 7 ноябрь кунги Туркия Республикасининг Анталия шаҳрида бўлиб ўтган Евроосиё Маданият, фан ва таълим кенгашининг иккинчи сессиясида “Жамиятлар, халқлар ва миллатларнинг барқарор ривожланиши учун туристик диққатга сазовор жойларни рағбатлантириш тўғрисида”ги Конвенция қабул қилинган бўлиб, уни амалга ошириш доирасида туризмнинг жозибдорлиги ва сайёҳликни барқарор ривожлантириш бўйича халқаро кўмита тuzилган.

— ЮНЕСКО томонидан бу каби тарихий-маданий обидалар Бутунжаҳон моддий ва номоддий мероси рўйхатига олиниб, ҳимоя қилинади, — деди Евроосиё иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бош котиби Владимир Пискурев. — Биз тuzдиган рўйхат ҳам дунёдаги энг эътиборли туристик объектларни тарғиб этиш, араб-авайлашга хизмат қилиши билан аҳамиятли.

Эътиборлиси, бунда туризм учун жозибдор объектларни сайёҳлар белгилайди. Айни пайтда дунё бўйича биз рўйхатга киритган объектлар 2200 тага етди. Эндilikда улар қаторига Самарқанддаги Регистон ансамбли ва Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуаси қўшилди. Тўрт йил давом этган овоз бериш жараёнида 198 давлатдаги сайёҳлар ушбу обидаларга жуда юксак баҳо берди. Айниқса, овоз берганларнинг 50 фоиздан ортми Регистон дунёдаги биринчи туристик объект бўлиши керак, деган фикрни билдиргани эътиборга лойиқ.

Бугунги кунга қадар Ўзбекистоннинг тарихий ва диққатга сазовор жойларидан тўрттаси ушбу рўйхатга киритилди. Бутунжаҳон туристик жозибдор объектлар ташкилоти рўйхатига кирган маданий мерос объектлари “CNN”, “Euronews”, “BBC”, “Sinxua”, “SNN” каби дунёга машҳур 900 та агентлик томонидан тарғиб этилади.

Абдулозиз ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ҚАТЪИЙ ЎТИШДА РАҚОБАТ — ПРИНЦИПИАЛ МАСАЛА

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиёти билан алоқалари тобора ривожланиб бормоқда. Бу эса ички бозорда рақобат муҳитини таъминлаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатдошлигини оширишни талаб қилмоқда. Шу боис мамлакатимизда рақобатни ривожлантириш, монополияга қарши курашиш борасида тизимли ишлар олиб боришмоқда.

Муносабат

Хусусан, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам асосий йўналишлардан бири этиб иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш, хусусий сектор учун кенг йўл очиш, эксклюзив ҳуқуқларни бекор қилиш ва монополияларни тугатишга алоҳида ургу берилган.

Ўтган йиллар мобайнида, тадбиркорлар учун 185 турдаги лицензия ва ружсат бериш тартиб-тамоийллари қисқартирилди ёки содда-лаштирилди, давлат иштирокидаги корхоналар сони сўнгги икки йилда қарийб 30 фоизга қисқарди, ислохотлар натижасида 31 та товар ва хизматлар бозори монополия ҳолатидан чиқарилди.

Йиллар давомида муҳим монополия ҳолатида бўлган йирик соҳаларда трансформация жараёни, жумладан, энергетика ва газ соҳасида, ҳаво ва темир йўл транспор-

“Рақобат тўғрисида”ги Қонун соҳадаги ислохотларнинг мантикий давоми бўлиб, рақобат муҳитини янада ривожлантириш, иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Мазкур ҳужжат юртимизда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг эркин фаолият олиб боришларига кўмаклашиш, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг фаолияти самарали йўлга қўйилишини таъминлаш билан бирга мавжуд қамчиликларни бартараф этиш ва соҳа ривожини юксалтиришда янги босқични бошлаб беради.

Таъкидлаш жоиз, қонунчи маромига етказиш бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, семинарлар ўтказилиб, соҳа мутахассисларининг фикрлари, тақлиф ва тавсиялари олинди. Депутатлар берган тақлифлар атрофлича ўрганилиб, уларнинг аксарияти ҳужжатда акс этди. Муҳими, қонун нормалар асосида такомиллаштирилиб, пухта-пишқ ҳолатга келтирилди.

Ушбу ҳужжатга кўра, бир қатор янги ҳуқуқий механизм, институт ва воситалар назарда тутилмоқда. Қонун билан рақобат соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланиб, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси

рақобат соҳасидаги ваколатли давлат органи (монополияга қарши орган) хисобланади.

Қонунга бир қатор янги, жумладан, монополияга қарши қўллаб-қувватлашнинг рақобат соҳасидаги мувофиқлигини таъминлаш, уларнинг бузилиши хатарларини аниқлашнинг олдини олиш бўйича ички ташкилий тартиб-таомиллар тизимидан иборат бўлади.

Бундан ташқари, устун мавқега эга бўлмаган ҳужалик юритувчи субъект ёки шахслар гуруҳи томонидан битим шартларини, товарлар реализация қилинадиган ҳудудни ва нархни белгилашга бир томонлама таъсир кўрсатиш имкониятининг мавжудлиги устун музокара кучи деб белгилан қўйилмоқда.

Шунингдек, қонун билан рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик чоралари кучайтирилди.

Хусусан, рақобат соҳасидаги ваколатли давлат органига ахборот тақдим этишнинг ёки уни ўз вақтида тақдим қилмаслик ёхуд унга била туриб нотўғри маълумотларни берганликлари учун фуқароларга, мансабдор шахсларга ва давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органларининг мансабдор шахси томонидан ҳомашё, товарлар эркин ҳаракатланишини ва реализация қилинишини ҳамда хизматлар кўрсатилишини қонунга хилоф равишда чеклаганликлари учун жарималар миқдори белгиланиди.

Мазкур ҳужжат монополиялар товар бозорлар сонини камайтиришга, давлат харидлари жараёнининг янада шаффофлашишга, рақобатга зид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг монополияга қарши қамлаб олиш тизимини жорий этиш хисобига монополиялар ва давлат органлари томонидан рақобатни чекловчи ҳаракатларнинг қамийишига хизмат қилади.

Руслан ЖУМАМУРАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Учрашув

ОВОЗ БЕРИШ ЖАРАЁНИ ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МУВОФИҚ УЮШТИРИЛГАНИ ТАЪКИДЛАНДИ

Олий Мажлис Сенати Ёшлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси ўринбосари Д. Тошмуҳамедовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этган Буюк Британия парламенти Лордлар палатаси аъзоси Баронесса Манзила Уддин ва Британия парламенти қошидаги “Евроосиё консерватив дўстлари” ташкилоти асосчиси ва раиси Бота Торе Хопкинсон билан учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқотда 9 июль кунги муҳим сиёсий воқеа — Президент сайлови юқори савияда, овоз бериш жараёни халқаро андозаларга тўла мос шаклда ўтгани таъкидланди.

Манзила Уддиннинг фикрича, сайловчилар иштироки юқори даражада бўлди, бу Ўзбекистонда сайловдаги кампанияси яхши ташкил этилганидан далолат беради.

Кўмита раиси ўринбосари Д. Тошмуҳамедова Ўзбекистон Буюк Британия билан ҳар томонлама ҳамкорлиқни ривожлантиришга катта эътибор қаратаётганини қайд этди.

— Биз Лондоннинг Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни қўллаб-қувватлаётганини юксак даражада қадрлаймиз. Қонун ижодкорлиги соҳасида тажриба алмашаш, гендер ва ёшлар сиёсатини амалга оширишни янада кенгайтириш борасида ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдормиз, — деди у.

Мулоқотда томонлар ўзларини қизиқтирган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

АЛОҚАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ТОМОНЛАР ҚИЗИҚИШИ ЮҚОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этиш учун ташриф буюрган Латвия ва Эстония парламентларининг халқаро ишлар бўйича кўмиталари раислари Р. Колс ва М. Микхельсон билан Олий Мажлис Сенатида учрашув бўлиб ўтди.

Кузатувчилар Ўзбекистон томонига тақлиф учун миннатдорлик билдирди ва мамлакатимиз сўнгги йилларда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотлар дастурларини муваффақиятли амалга ошириб, ажойиб ютуқларни қўлга киритганини қайд этди.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорлик, жумладан, парламентлараро алоқаларнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари ҳам муҳокама қилинди. Томонлар савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар, транспорт ва гуманитар ҳамкорлик бўйича қўшма лойиҳаларни рўёбга чиқаришга кўмаклашиш борасида парламентлараро ҳамкорлиқни давом эттиришга тайёр эканлигини билдирди.

Ўзбекистон ва Латвия ҳамда Эстония парламентлари дўстлик гуруҳлари орқали самарали алоқаларни мустаҳкамлашга томонлар қизиқиши юқори эканлиги ҳам таъкидланди.

«Халқ сўзи».

